

## АЖРИМ

(Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддаси тартибидан)

2026 йил апрель ойининг 6 кунда, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик этувчи М.Каюмов, судья ёрдамчиси О.Раджабовнинг котиблигида, Олмалиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Шамсуддиновнинг иштирокида, маҳкум Мухамедов Сарваржон Акрамджановичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасини қўллаб, ўталмаган жазосини енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги илтимосномаси юзасидан чиқарилган ажримини ижро қилиш давомида қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И М:

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 18.10.2024 йилдаги ажримига кўра, маҳкум Мухамедов Сарваржон Акрамджановичга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилиб, унинг ўталмай қолган 2 йил 7 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Бироқ, мазкур ажримнинг қарор қисмида “Тошкент шаҳар «TONG LAW CENTRE» адвокатлик бюроси адвокати М.Яхьяевнинг маҳкум Мамасолиев Фазлиддин Икромжон ўғлига нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Мамасолиев Фазлиддин Икромжон ўғлининг ўталмай қолган 2 йил 7 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилсин” деб нотўғри кўрсатилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддасида, Ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукмни чиқарган суд ҳал қилиши белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд юқоридаги Қонун талабларига амал қилиб, С.Мухамедовга нисбатан чиқарилган ажримнинг қарор қисмидаги “Мамасолиев Фазлиддин Икромжон ўғли” деб кўрсатилан қисмини “Мухамедов Сарваржон Акрамджанович” деб ўқишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 168, 423 ва 541-моддаларига асосан суд,

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 18.10.2024 йилдаги С.Мухамедовга нисбатан чиқарилган ажримига аниқлик киритилсин.



Мазкур ажримнинг қарор қисмидаги “Мамасолиев Фазлиддин Икромжон ўғли” деб кўрсатилан қисмини “Мухамедов Сарваржон Акрамджанович” деб тузатиб ўқилсин.

Ажримдан норози томонлар қонунда белгиланган муддатда ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**М.Каюмов**

